

А.А.Тилаков

Жиззах вилоят Жиззах давлат педагогика
университети Жисмоний тарбия
факультети ўқитувчиси

КУРАШЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲАРАКАТЛАР ТУРЛАРИНИ ЎРГАТИШ МЕТОДЛАРИ

Аннотация: Курашчиларнинг беллашувдаги қарши ҳужум ҳаракатларибу рақибнинг ҳужумига қарши ҳужумни тайёрлаётганда ташаббусни ўз қўлига олиш ва қарши ҳужум усулини олдинроқ қўллаш учун ҳужум қилиш ёки қулай ҳимояланиб олиб, кейин қарши ҳужум қилишдан иборат. Қарши ҳужумлар рақиб ҳужумнинг якунловчи вазифасига қарши жавоб ҳужуми бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: кураш, қарши ҳужум, усулни қўллаш, ҳужум қилиш техник таёргарлик, беллашув, тактик ҳаракат.

A.A.Tilakov
Jizzakh region Jizzakh state pedagogy
teacher of the Faculty of physical
education of the University

METHODS OF TRAINING THE TYPES OF TECHNICAL MOVEMENTS OF WRESTLERS

Annotation: A wrestler's counter-attack moves in competition consist of taking the initiative while preparing to counter an opponent's attack and attacking in order to use a counter-attack technique first, or taking a comfortable defense and then counter-attacking. Counterattacks can be counterattacks against an opponent's finishing move.

Key words: wrestling, counter attack, method application, attack, technical preparation, competition, tactical action.

Курашга тайёрлашда асосий техник ва тактик ҳаракатлардан иборатdir. Тайёрловчи ҳаракатлар улар мусобақа қоидалари томонидан йўл қўйиладиган, ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларининг муваффақияини таъминлайдиган ҳаракатлардир. Курашчидан булаар рақибни олдиндан билиш маҳорати, рақибининг заиф томонларини кўриш, алдамчи ҳаракатлар қилиш ҳамда ўз режалалари ҳаракатлари ва ҳолатидан иборат.

Курашчилар рақибни олдиндан билиш маҳорати тўғрисида, унинг гавда тузилиши, хусусиятлари, сифатлари имкониятлари ва ҳолати хақида: беллашув олиб бориш услуби-актив ёки пассив, ҳужумкор ёки ҳимояланиши тўғрисида, унинг яхши кўрган ҳаракатлари, ўй-фикрлари ва ҳоказолар ҳақида ташқи ва ички ахборотлар олишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлардир.

Курашчи беллашув вақтида рақибининг энг севимли туриш ҳолати қандайлигини, қандай масофада туришини, қандай усулинини қўллашини ва уларнинг кучини, бирор усулни бажариш учун тайёргарликни қандай олиб боришини, ниятларини, қандай ҳужум қилиши, ҳимояланишини ва қарши ҳужум қилишини, уларнинг кучи қандайлигини, чаққонлиги ва чидамлилигини аниқлаш айниқса муҳимдир. Разведка кўпроқ тайёрловчи ҳарактердаги ҳақиқий ва сохта ҳаракатлар билан ҳамда курашчи севимли усулларини қўллаш билан олиб борилиши мумкин.

Курашчи беллашув вақтида психолог бўлиши рақибининг ҳолатини билиши; физиолог бўлиши-ҳаракатлари, нафас олиши ва тер чиқишига қараб рақибининг ҳолатини билиши: артист бўлиб, рақибни сохта ҳаракатлар билан алдаб, тўғри усул қўллашдан адаптириб, рақибга ўз планини мажбур этувчи ва бу билан ўз планини қатъий амалга оширувчи ҳамда ғалабага эришувчи мард, иродали спортчи бўлиши керак.

Мусобақа шароитларида беллашув суратини кўтариш учун рақибга нисбатан ҳийла ишлатиш қулай шароитлар яратиш ҳамда усулни муваффақиятли қўллаш, ҳимоя ва қарши ҳужум учун қулай пайт танлаш мақсадларида тайёрловчи ҳаракатлар қилишdir.

Турли ҳолатда ва турли масофаларда туриб, алдаш ҳаракатлари ва сохта ҳаракатларни, ундаш, таклиф қилиш усулинини қўллаб, шунингдек танланган усулни ёки қарши ҳужум ҳаракатини ўтказиш учун ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларидан фойдаланиб ҳийла ишлатиш мумкин.

Ҳийла билан курашчи ташаббусни ўз қўлига олишга, активлик қўрсатишга, керакли ҳаракат учун рэнгда қўлай жойни танлашга баъзан эса рақибидан қочишига ҳаракат қиласди. Рақибидан ўзининг ҳақиқий ниятларини яшириш, унинг хушёrlигини йўқотиш, чалғитиш ва ўзи ўйлаган планни амалга ошириш мақсадида ҳаракатлари ва ҳолати маскировка қилинади. Маскировка ҳаракатларида тажрибали спортчилар рақибларига ўзларини бамайлихотир, сусткаш қилиб қўрсатадилар, баъзилар бўшашаган бўлиб, тўсатдан бутун кучларини ишга соладилар, баъзи бирлари истиододли артист

каби асбийликни ифодалайдилар. Қўлларини силкитадилар, бошқалари эса кураш олдидан бамайли хотир, бўшанг ёки ўзига ишонч билан кўтсадилар ва ҳоказо. Ҳар бир курашчи ўзига хос маскировка услубига эга бўлади.

Шунинг учун баъзан унинг нияти чин ёки сохталигини аниқлаш жуда қийин бўлади. Курашчиларнинг беллашувдаги қатъий хужумкорлик ҳаракатлари, мудофа, ҳимоя ва рақибга қарши ҳужум ҳаракати техник ҳаракатлардир. Ҳужум қилишдаги оддий атака усули, яъни ҳаракатларига қўпроқ бир суръатда бажаради бу эса тактик вазифани ҳал қиласди. Курашчининг ҳужум қилишдаги мураккаб ҳужум усули ва ҳаракатлари – булар икки босқичда алдаш, соҳта ҳаракатлар билан биргаликда бажариладиган турли хил комбинациялардан иборат бўлиши мумкин. Курашчининг мудофаа усул ва ҳаракатлари – булар ҳимоя ва қарши ҳужум ҳаракатларидир.

Ҳимоя ҳаракатларига қўйидагилар киради: рақибнинг ҳужумда қўллайдиган усуллари, қарши усул ишлатиш билан ҳужумдан қутилиш ёки ундан қочиш. Курашчиларнинг беллашувдаги қарши ҳужум ҳаракатлари-бу рақибнинг ҳужумига қарши ҳужумни тайёрлаётганда ташаббусни ўз қўлига олиш ва қарши ҳужум усулини олдинроқ қўллаш учун ҳужум қилиш ёки қулай ҳимояланиб олиб, кейин қарши ҳужум қилишдан иборат. Қарши ҳужумлар рақиб ҳужумнинг якунловчи вазифасига қарши жавоб ҳужуми бўлиши мумкин.

Курашчиларнинг техник малакасини ошириш учун ўқув-машғулот машғулотлари жараёнида курашни энди ўрганувчилар, разрядли ва мастерлар курашчилар билан турли хил ўқув мусобақаларини доимо режалаштириш ва ўтказиб бориш керак. Назорат мусобақаларида вақтни қисқартириб ва ошириб ҳамда мусобақа қоидалари бўйича беллашувлар ўтказиш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. N.A.Tastanov. Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati/ darslik “Sano- standart” nashryoti, 2017. 480 bet.
2. A.R.Taymurodov, S.F.Atajanov. Sport pedgogik mahoratini oshirish (kurash) – T “Fan va texnologiya”, 2017. 272 bet.
- 3.K.Yusupov. Kurash xalqaro qoidalari texnikasi va taktikasi. “G’.G’ulom”nomidagi nashriyot-mabaa uyi, 2005. 132 bet.

4. F.A.Kerimov. Kurash elementlariga ega harakatli o`yinlar. –T. “Ilmiy texnika” axboroti-press nashriyoti, 2020. -88 bet.
5. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Sambo kurashi shug`illanish jarayonida og`ir sport turlari bilan birga jismoniy mashqlar res kon. mart 2023. 470-472.
6. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Tarbiyalashda kurashning ahamiyati. .res kon. 27-11-2023. 297-299.
7. Tilakov, A. A. (2023). Kurash tarixini ilmiy isbotlari. Uzbek Scholar Journal, 23, 16-19.
8. Tilakov,A.(2023).Kurash haqida buyuk allomalar,shoh va Shoirlarning qarashlari.Евразийский жур акаемических исследований,3(4Part2),127-131.
9. Tilakov, Alisher. (2023). Mental enlightenment scientific-Methodological journal dynamics of manifestation of a number of parameters of lopsided throws of a dummy through the chest among wrestlers under normal conditions and against the background of the aftereffect of vestibulokinetic load. 194-195.
10. Komilov, Aziz. (2024). Yosh sambo kurashchilarning boshlang`ich.
11. Komilov, Aziz. (2024). Kurashchilarning texnik taktik mahoratini tarbiyalash.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”. ПҚ-4881-сон қарори. – Тошкент: 2020 йил,